
Огоҳлантириш: эртага, 28 ноябр куни "Шўрсув янги" ГРС 1-тармоғи истеъмолчилари газ таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади!

“Худудгаз Фарғона” газ таъминоти филиали ва Фарғона УМГнинг тегишли хабарномасига асосан **эртага, 2024 йил 28 ноябр куни** "Шўрсув янги" ГРС 1-тармоғида торайтириш мосламасини навбатдаги қиёслаш кўригидан ўтказиш муносабати билан мазкур тармоқдан фойдаланадиган аҳоли хонадонлари ва улгуржи истеъмолчиларга **соат 09:00 дан 16:00 га қадар** табиий газ бериш вақтинча тўхтатилади.

Огоҳ бўлиб, газни ўчириш ва ёқишда табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш сўралади.

“Худудгаз Фарғона” ГТФ “Ўзбекистонтумангаз” бўлими ҳудуддаги истеъмолчилардан вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўрайди.

2024-11-27 22:40:07